



2020 yil «13» *sentabr*

№ *30-к*

Toyloq sh. – г. Тойляк

Туман ҳокимлиги заҳира ерлари ҳисобидан Самарқанд шаҳри Ургути-1 маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ниязов Джамхур бошлик фермер хўжалик ташкил қилиш ҳамда ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сонли “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов қолиб қолган аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил 7 январдаги 1-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1.Туман ҳокимлиги заҳирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган танлов қарорига асосан танловда қолиб қолган эшон қилинган Самарқанд шаҳри Ургути-1 маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ниязов Джамхурга балиқчилик йуналишида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжалигига Қўшчиноқ массиви ердан фойдаланиш харитасининг 396,397-контурларидан жами 1.0 гектар ер майдони 37 (ўттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

2.Белгилаб қўйилсинким, келажакда кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун манзилли дастурларни ижросини таъминлаш белгиланганда узок муддатли ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

3.Туман Давлат хизматлар маркази (З.Нуриддинов)га фермер хўжалик Низомини қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва бу ҳақида тегишли ташкилотларга маълумот бериш топширилсин.

4.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Ҳайитов)га Самарқанд шаҳри Ургути-1 маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ниязов Джамхурга бошлик фермер хўжалигига ер майдонини ажратиб бериш, фермер хўжалигига тегишли ҳужжатлар расмийлаштириш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан тўғри мақсадда фойдаланишни назорат қилиб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 53-моддасида кўрсатилган талабларни бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5.Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ш.Шарипов)га фуқаро Ниязов Джамхурга бошлик фермер хўжалигига бюджет билан бўлган ҳисоб китобларни белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6.Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

7.Ушбу қарорни тасдиқ Самарқанд вилоят ҳокимидан сўралсин.

Туман ҳокими



Б.Бабоназаров